



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖУНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 март кuni давлат ташрифи билан Корея Республикасига жунаб кетди.

Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига тўртинчи ташрифидир.

— Изчил мустахкамланиб келаётган Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг кўлами тобора кенгаймоқда, — деди Ислам Каримов Сеулга жунаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда. — Утган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 38 фоизга ўсиб, 564 миллион АҚШ долларига етгани бунинг тасдиғидир. Шу вақтга қадар Корея Республикаси томонидан юртимиз иқтисодига киритилган сармоянинг умумий ҳажми бир миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармояси иштирокида ташкил этилган 138 кўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Улар машинасозлик, савдо, енгил, кимё, озиқ-овқат

саноати, металлга ишлов бериш, тураржой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига иктисослашган.

Ун йилдан буён Андижон вилоятининг Асака шаҳрида фаолият юритаётган енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг салмоқли самараларидандир.

— Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда ҳам алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Хусусан, мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қурилган кўпгина коллеж ва академик лицейларни зарур ускуналар билан таъминлаш учун Корея Республикаси томонидан 70 миллион доллар ажратилган. Мазкур ташриф


асносида эса Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга оширилган мақсадларга 30 миллион доллар миқдоридан узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ташриф мобайнида 15 хужжат имзоланиши мўлжалланган. Улар асосида юртимизга киритиладиган Жанубий Корея сармояси ҳажми бир миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Имзоланиши режалаштирилган хужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги хужжат айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай хужжатнинг имзоланиши халқаро майдонда муҳим воқеа ҳисобланади.

Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

У.А.

«Ташаббус — 2006»



«ТЎХТАНИЁЗ ОТА» — ТАНЛОВ ҲОЛИБИ

Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов мамлакатимиз Президентининг «Ташаббус — 2006» кўриқ-танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, фермерлар йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Мамлакатимизнинг «Энг яхши фермер» номини олган омилкор мукофот сифатида «Матиз» енгил автомашинаси ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Бу фермер хўжалиги ўз фаолиятини 1993 йилнинг февралда бошлаган эди. У ўша вақтда кичик корхона макomini олди ва аҳолига гўшт маҳсулотлари етказиб бера бошлади. Аввало, кичик корхона таркибиде колбаса цехи барпо этди. Бунинг учун асосий хом ашё ҳисобланган гўшт хўжаликнинг ўзида керагича етказиб берилди. Бу ерда асосан эски турдаги асбоб-ускуналар ўрнатилди ва уч хил колбаса чиқариладиган бўлди.

2002 йилга келиб эса уни техника билан жиҳозлашда катта ишга қўл урилди. Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»дан 133 минг 346 АҚШ доллари миқдориде кредит олинди, соҳасида ичидаги ҳавони сўриб оладиган замонавий қурилма харид қилинди. Айни вақтда истеъмолчилар талабига тўла жавоб берадиган халқаро мезонлар даражасидаги колбаса маҳсулотларининг 20 дан ортиқ турини тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Фермер хўжалигимиз «Ташаббус — 2005» кўриқ-танловининг туман, вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, сўнгги республика босқичида иккинчи ўринга лойиқ деб топилган эди, — дейди хўжалик раҳбари. — Бу йил меҳнатимиз шунчалик юқори баҳоланганлиги ва Президентимизнинг юксак муқофотига сазовор бўлганлигимиздан жуда миннатдоримиз. Бу айни вақтда зиммаимизга катта масъулият ҳам юклайди. Бунга жавобан йил охиригача сутни қайта ишлаш бўлиминини ишга туширмоқчимиз. Фермаимизда боқилаётган қорамоллардан соғиб олинладиган ва маҳаллий аҳолидан харид қилинадиган сут қайта ишланган, ундан тайёрланган маҳсулотлар қадоқланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Айни вақтда камми билан 20 та иш ўринлари барпо этилади. Бу жамоамизнинг юксак муқофотга амалий жавоби бўлади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАҚИ

«ПАХЛАВОН» ИШ БОШЛАДИ

Олмалик шаҳридаги «Металлургия» спорт клуби қошида янги бокс аренаси ташкил этилди. «Пахлавон» деб номланган ушбу арена 364 нафар томошабинга мўлжалланган. Уни барпо этишда Олмалик қон-металлургия комбинати оқиқ акциядорлик бирлашмаси, «Олмалик-Металлургия» қурилиш божқармаси, «Амир Темур» ҳамда «Универсал» хусусий фирмалари жонбозлик кўрсатишди. Қурилиш-монтаж ишлари учун жами 150 миллион сўм маблағ сарф этилди.

Феруза ТҮРАЕВА.

КИМ ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ?

Тошкент туманидаги «Бинафша» номли мактабгача таълим муассасасида «Тарбиячи — 2006» кўриқ-танловининг илк босқичи ўтказилди.

Унда Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги бешта болалар боғчаси тарбиячилари иштирок этишди. Танлов давомида қатнашчилар ўзини таништириш, муаммоли вазият, педагогик маҳорат ҳамда эркин мавзу бўйича беллашди. Барча шартларни аъло даражада ундади, 168 балл тўплашга эришган 36-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гулчехра Сулаймонова биринчи ўринни эгаллади.

Ҳали бундан олдинги йилда ҳам бундай таълим бўлими томонидан фахрий ёриқ ва қимматбахо совғалар топширилди. Хуррият МҮМИНОВА.

НАВБАТДАГИ СЕССИЯ

Тошкентда Ўзбекистон Болалар жағармаси ва БМТ ЮНИСЕФ ташкилотининг республикамиздаги ваколатхонаси ўзининг навбатдаги сессиясини ўтказмоқда.

Мазкур анжуманда «Болалар билан қандай дўстлашиш мумкин», «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва ёшларнинг бандлиги» каби ўнга яқин долзарб мавзуда суҳбат-тренинг ташкил этилди.

Иштирокчиларни Миллий дастурдан ўрин олган унни йод ва керакли моддалар билан тўйинтириш масалалари билан таништириш ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олган. «Туркистон-пресс».

ЁШЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалик шаҳар бўлими ташаббуси билан Наврўз айёми арафасида шаҳарда спорт клуби, компьютер маркази фаолият бошлади.

Янгидан ташкил этилган тикувчилик курсида эса ҳозирги кунда 20 нафардан зиёд ўсмир қизлар хунар ўрганишмоқда.

Хомийлар ёрдамида ҳашир йўли билан бунёд этилган бу маканларда ёшлар машгулотларга бепул қатнашиш ва хунар

эгаллаш имкониятига эгадирлар.

Айни пайтда шаҳарда «Ёшлар боғи» барпо этилмоқда. Бу ерда келажакда қизқарули теджарлар, учрашувлар ва кечалар ўтказилади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Муносабат

Кейинги йилларда аграр соҳада амалга ошириладиган изчил ислохотлар, хусусан, фермерлик ҳаракатини тубдан ривожлантириш самараси ўларок, чорвачилик тармоғини босқичма-босқич яхшилаш, кенгайтириш имконияти яратилди. Ҳозир мамлакатимиз бўйича мавжуд қорамоллар бош сонининг 90 фоиздан ортиғи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде парвартишланаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мақсад-моҳияти билан қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш, бу билан уларнинг турмуш фаровонлиги ва даромадларини ошириш тармоқ ривожини йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Унда қайди этилгандек, ҳозир чорва моллари бош сонини кўпайтиришнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётди. Бу борада аҳоли бандлиги муаммолари тўлиқ ечилмаган, қорамол парвартиши билан шугулланувчиларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича инфратузилма талаб даражасида эмас, тармоқни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Қарорда шу каби ечимини кўтаётган муаммо ва вазифалар аниқ белгилаб берилди. Аввало, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар ўзлари етиштирган чорвачилик

Таъкидлаш жоизки, шу кунларда қишлоқ жойларда кам таъминланган ва кўп болали оилаларни аниқлаш ва уларга оқимийлар, шунингдек, нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан биттадан сигир ажратиш оммалашмоқда.

ТАРМОҚДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Қарорда белгиланган имконият ва имтиёзлар ҳам бундай хайрли ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати, унда чорвачиликни ривожлантиришнинг энг асосий ва муҳим омиллари таъкидлаб ўтилган. Хусусан, зооветеринария шахобчалари ва сунъий қочириниш пунктлари тармоғини кенгайтириш, наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилган.

— Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори ўз вақтида, соҳа ривожини учун катта имкониятлар очиб беришни кўзлаб чиқарилган зарур ҳужжат бўлди, — дейди вилоят наслчилик инспекцияси раҳ-

бари Бахтиёр Солибоев. — Бунинг натижасида тармоқда сезиларли ўзгаришлар юз бериши шубҳасиз. Айниқса, қарорнинг наслчилик ишларини тўғри ташкил этиш, жойларда зооветеринария шахобчалари фаолиятини кенг йўлга қўйишга қаратилган комплекс чора-тадбирларга оид бандлири алоҳида эътиборга моликдир. Ҳозир вилоятимизда 130 дан ортиқ ана шундай хизмат кўрсатувчи объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 21 тасида қорамолларни сунъий урчиштириш пунктлари мавжуд. Албатта, аҳолининг асосий қисми чорва парвартиши билан шугулланадиган вилоятимиз учун бу кам. Энди бутун мамлакатда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам тармоқни жадал ривожлантиришда мавжуд имкониятлар, табиий шарт-шароитлардан мақсадли фойдаланиш пайти келди.

Бугунги кунда вилоятимизда чорвачиликка иктисослашган фермер хўжаликлари билан бир қаторда шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорва парвартиши билан шугулланаётганлар доирасининг кенгайиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Қарорда белгиланган аниқ мақсадли чора-тадбирлар бу борадаги ишлар қамровини ошириш, тармоқ самарадорлигини юқори босқичга кўтариши шубҳасиз.

Ҳали бундан олдинги йилда ҳам бундай таълим бўлими томонидан фахрий ёриқ ва қимматбахо совғалар топширилди. Хуррият МҮМИНОВА.

Фармон ва ижро

ИШЧАН ТИЗИМ ШАКЛЛАНДИ

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик ҳаракати учун қулай имкониятлар яратиш иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг асосини ташкил этади.

— Фаолият эркинлиги, ўз тижорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш салоҳиятларини намоён қилиш, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, кўпсонли назорат идораларининг уларнинг ишларига ноқонуний аралашувларига чек қўйиш ниятда муҳим, — деди «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳбири билан суҳбатда вилоят ҳокими, Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг вилоят ҳудудий комиссияси раиси Мирзамашрап Куччиев. — Айни шу масалалар ҳозирги кунда комиссиясининг диққат марказида турибди. Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари оғиммай бажарилишини таъминлашга қаратилмоқда.

— Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш амалиётида сезиларли ўзгаришлар борми?

— Текширишларни мувофиқлаштириш эндиликда мамлакатда ягона, ишчан тизим сифатида шаклланди. Натижада бу тизим фаолиятининг самарадорлиги ортиб бормоқда, унинг йиғилишларида қулай қилинаётган қарорлар тобора амалий тусланаётган.

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг шу йил 11 мартда ўтган йиғилишини олиб кўрайлик. Унда ўтган йил давомида текширишларни мувофиқлаштириш бора-сида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг яқунлари кўриб чиқилди. Тошкент шаҳри, Миробод ва Собир Раҳимов туманларида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиш, ноқонуний ва ноўрин текширишларга йўл қўйилмайдиган қулай муҳит яратиш тажрибаси муфассал мулоҳама қилинди.

Шу йиғилишида Давлат дон инспекциясида текширишларни тартибга солиш, бунда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, тадбиркорлик субъектларида содир этилаётган камчиликларнинг олдини олиш амалиёти ҳам кўриб чиқилди. Андижон, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳудудий комиссияларининг йиғилишлари, туманларда сайёр йиғилишлар ўтказилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Мана шу танқиддан келиб чиқиб, биз бундан буён ҳудудий комиссиямиз йиғилишларини сайёр тарзда — ҳисоботи қўйилган ҳудудларда ўтказишни режалаштираёلمиз. Жумладан, навбатдаги йиғи-

лишларимизни Паркент туманида ўтказишга тайёрлик кўрмоқдамиз.

— Юртбошимизнинг текширишларни қисқартириш, назорат тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги фармонлари қабул қилинганига ярим йил бўляпти. Шу муддатда вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилди?

— Мазкур фармонлардан келиб чиқувчи вазифалар вилоят, шаҳар ва туманларнинг ҳудудий комиссиялари диққат марказида турипти. Уларни амалга ошириш бора-сида изчил иш олиб бориляпти. Назорат идоралари ўтказётган текширишларни тартибга солиш, такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Вилоят ва жойлардаги ҳудудий комиссияларнинг иш режалари пишдиқ-пухта тузилишига эришяёмиз. Текширувчиларнинг касбий малакасини ошириш ва масъулиятини қучайтириш борасидаги ташкилотчилик ишлари яхшиланиб бораёпти. Жумладан, вилоят комиссиясининг ўзи бу йил учта шаҳар ва еттига туман комиссияси, учта назорат идорасининг фаолиятини атрофича ўрганиб, ўз йиғилишларида муҳокама қилишни режалаштирган.


— Бу жараёнда асосий эътибор нималарга қаратилмоқда?

— Маълумки, бу ишда қонунлар ва фармонларнинг ижросини таъминлаш асосий ўрин тутди. Бунда ахборотнинг аҳамияти катта. Шу боис Республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссияси қарорларини ҳудудий комиссияларга етказиш ва ижросини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Шунинг учун ва қолаверса, тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатиши учун вилоят ҳудудий комиссиямиз аъзоларини шаҳар ва туманларга бириктириб қўйганмиз.

Яна бир муҳим ҳаракат йўналиши мамлакатда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар, уларнинг қонунчилик асосларини тарғиб қилишдан иборат. Бунинг учун турли ўқув машгулотлари, давра суҳбатлари ўтказяётимиз, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланяёмиз. Бугун бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Чунинчи, ўтган йил давомида вилоятимизда ноқонуний текширишлар қайди этилмади. Эндиликда назорат идораларининг эътиборини тадбиркорлик фаолиятидаги камчиликларни кенг қўламли профилактик ишлар орқали бартараф этишга қаратмоқдамиз.

Субхатни «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Ўтказиб юборманг



ТАБИАТНИНГ НОЁБ ҲОДИСАСИ

Республика Фанлар академиясининг Мирзо Улугбек номидаги Астрономия институти олимларининг хабар беришича, бугун асримизнинг илк ноёб табиат ҳодисаси, қуёшнинг тўла тўтилиши рўй беради.

Сўнгги марта бундай ҳодиса 1999 йилнинг август ойида бўлиб ўтган эди. Навбатдаги фазовий жараён Бразилиянинг шарқий қирғоқларидан бошланиб, Байкал кўлига 280 километр қолган масофага кузатилади. Мутал-хассисларнинг таъкидлашича, Бразилия, Африка, Нигерия, Миср мамлакатлари, Урта ер ва Қора денгизлари, Кавказ минтақаси, Каспий денгизи ва Қозғистон давлати, Мўғлистон чегарасида қуёш тўла тўтилиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда эса бу ҳодиса Тошкент вақти билан соат 15 дан 41 дақиқа ўтганда бошланиб, 17 дан 44 дақиқа ўтгунга қадар давом этади. 16 дан 45 дақиқа ўтганда қуёш гардишининг энг кўп қисми, яъни 73 фоизи тўтилади.

Қуёш тўтилишини кузатиш вақтида бир томони куйдирилган ёки тўзи ўзгартирилган ишчи воситаларидан фойдаланган маъқул. Акс ҳолда, кўзга жиддий шикаст етиши мумкин.

Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Маънавиятимиз жонкуярлари

Дунёни гўзаллик кутқарида, дейишди. Аслида бу оламга қалби гўзал одамларнинг ҳалол ва шижоатли меҳнати, бир оғиз ширин каломи тенгсиз чирой бахш этди. Бундай кишилар қаерда, қай соҳада меҳнат қилмасин, ҳамisha олдинги сафларда боришади, улар барчани ўз ортидан эргаштира олади. «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти кенгаши Чирчиқ шаҳар бўлими тарғиботчиси Рихси Бекбўтаева ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.



БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛГИЛ...

Демак, танишинг: Рихси Нурматовна Бекбўтаева, Чирчиқ шаҳрида ишчи оиласида тутилган. Шаҳардаги А.Навоий номи 2-умумтаълим мактабида ўрта маълумот олди. 1968 йили Тошкент Давлат Университети (ЎЗМУ)нинг физика куллиётини имтиёзли диплом билан битириб, Тошкент политехника институтининг Чирчиқ шаҳар филиалига йўланма билан ишга юборилди. Бу ерда ўқитувчи, катта ўқитувчи «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади, кейинроқ техника касб-хунар коллежида талабаларга сабоқ берди. 2002 йилдан эса, «Маънавият ва маърифат» кенгаши Чирчиқ шаҳар бўлими тарғиботчиси бўлиб ишламоқда.

навий уйғок, баркамол инсонга айлана олмаганига тан беришни истамайми.

— Маърифатчи ёки маърифат фидойиси деганда биз қайси жиҳатларни ҳисобга оламиз? Юртбошимиз юртайётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда жамиятимизда нафақат иқтисодий, балки, маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган янгиликларни аввало, ўзимиз лухта тушуниб, уларни тарғиб эта билишимиз зарур, — дейди Рихси Бекбўтаева. — Бу борада ёшларни фикрлашга ўргатиш, сермазмун мушоҳада юритган ҳолда бу кўникмаларни ҳаётга татбиқ этиш масаласига кўпроқ эътибор беришимиз зарур. Шундангина биз кўзланган мақсадга — ёшларимиз қалбига маданий, маърифий тушунчаларни етказишга эриша оламиз.

Халқимиз учун мукамал тамойил бўлган шарқона ҳислатларимизни ёш авлод онгига синдириш учун, тарбияни боғчадан, оиладан бошлаб йўлга қўйишимиз зарурлигига ҳеч ким инкор этмас керак. Маънавий онгни кўтариш учун эса, тарғиботчи касбини танлаганлар кўпроқ халқ орасида бўлишлари керак. Рихси Нурматовна миллий кадрларимизга зид тараққийимизга тўсиқ бўладиган иллатларнинг олдини олиш мақсадида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Сиз конунни биласизми?», «Тарих — келажак кўзгуси», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» сингари қатор мавзуларда давра сўбатлари, очик мулоқотлар, учрашувлар, амалий машғулотлар ҳамда фаоллар йиғилишларини мунтазам ўтказишни йўлга қўйди. Бундай тадбирларда таниқли кишилар, шоир ва ёзувчилар, республика ва вилоят «Маънавият ва маърифат» марказлари мутахассислари иштирок этдилар.

— Инсон тиниб-тиничган кунни, хотиржамликка берилган кунни яшашининг қизиғи қолмайди. Шунинг учун доимо ҳаркатда бўлиш, бор билимларимизни одамларга, айниқса, ёшларга улаштириш биз, маънавият ва маърифат тизими ҳодимларининг асосий вазифамиздир, — дейди Рихси Бекбўтаева.

Дарҳақиқат, биз миллий истиқлол гоғарини мустаҳкамлаш, иқтисодий, маданий-маърифий тараққийотга озгина бўлса-да, ҳисса қўшиш хусусида кўп гапираримиз. Аммо, уни идрок қилмасдан, кадрларимизнинг мазмун-моҳиятини англамасдан ҳеч бир киши маъ-

Фермер ва унинг даласи

БУҒДОЙЗОРДА РИЗҚ УНАЁТИР

Бироз чўзилгандай туюлган кўклар кунлари, ниҳоят, иллий бошлади. Бу иликлик тафти ер бағрига сингиб, унинг ҳовури юзага тепаётгани сезилиб қолди.

Кўкларнинг шундай ёқимли кунларида дехқоннинг вужуди ҳам руҳий иликлик иниб, кайфияти кўтарилади. Бутун киш ичи интиқиб соғинган даласига интилиш илинжини туйди. Бундай кезларда, айниқса, қишлоқ мулкдорлари — фермерларнинг кўнгли эзгу орзу-умидлар билан хапқириб, уйда ўтиролмайд қоладилар. Хусусан, бекободлик фермер Фурқат Бойзоқов ҳозир ана шундай ёқимли, хайрли ташвишлар билан елиб-юғуриб юрибди. Негаки, қилинадиган ишлар кўп. Киш яхши келиб, ер обдон тўйинди. 63 гектар майдондаги «Крошка» нав бугдойнинг авжи чакки эмас. Аммо, энди уни ўғитта ҳам тўйдириш, зарурат тугилса, қондириб сугориш чораларини ҳозирдан қўриб қўйиш керак.

Фермернинг кўнгли тўқ. Хар йили пахта ва галла етиштириш шартнома мажбуриятлари анча ортиги билан бажарилапти. Холбуки, у тумандаги энг йирик фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Тасарруфида 243 гектар ер бор. Аммо Фурқат хўжаликни юрийтишнинг

ҳадисини олган. Қолаверса, хўжаликнинг 120 нафар аъзоси ҳам унинг ишончини оқлайпти. Бу йил улар 180 гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштиришган. Шунга мувофиқ қабул пунктлари билан камидан 380 тонна сифатли хом ашё топшириш юзасидан шартнома тузилган. Чигит экиш мавсуми ақинлашиб қолди. Уни муваффақиятли яқунлаб олиш



Табиат ва биз

МЕЪЁР БУЗИЛГАНДА

Фан-техниканинг мисли қўрилмаган даражада ривожланиши, инсоннинг палпақлари аралашуви тўғрисида табиати тобора камбағаллашиб ва нозиклашиб бормоқда. Уни жила курмаса ҳозирги ҳолда сақлаш ва авлодларга етказиш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Айниқса, бу соҳада эколог мутахассислар зиммасига катта вазифа ва масъулият юклатилган.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳодимлари кенг қўламли чораларни кўрмоқдалар. Мазкур қўмитанинг етакчи мутахассиси Ҳусанбой Абдуллоев шахар ва туманларда экологик вазиятни яхшилаш ҳамда унинг барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида қўйиладиган тағир берди.

Утган йили экологимиз олти йўналиш бўйича назорат олиб бордилар. Барча ишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадваллар асосида ўтказилди. Шунинг қўйиш кераки, ўтган йили Республика Президенти «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига амал қилиб, текширишлар анча камайtirилди. 2004 йилда хўжалик юритувчи субъектлар 368 марта текширилган бўлса, ўтган йили 232 тагача камайди. Қўмитамиз бундай субъектларда текширишларни ўтказиш ҳуқуқи бўйича шарт ҳолати йўлга қўйиб, факат 57 нафар давлат нозирларига бу ишда қатнашиш ҳуқуқини берди ва улар махсус гувоҳномалар билан таъминланди. Текширишлар натижасида табиати муҳофаза қилиш ишларига етарли аҳамият берилмаётгани, бу соҳада ўзибўларчилик ва локайдликка йўл қўйилаётган қатор хилхил мавжудлиги аниқланди. 665 нафар шахс томонидан «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари бузилганлиги маълум бўлди. Уларга нисбатан жазима чоралари қўрилди. Ҳаммаси бўлиб, 9 миллион сўмликдан зиёд ёки олдинги йилдагига нисбатан деярли 180 фоиз кўп жазима солиниб, шулардан 90 фоиз ундирилди. Бундан ташқари, табиатга катта миқдорда зарар келтирилган, яъни кўкариб турган даракларнинг кесилишига, ат-

роф-муҳитнинг энг кўп даражада ифлослашишига йўл қўйган 63 нафар шахсдан деярли 15 миллион сўмлик тоvon ундирилди олинди.

Аниқланган қамчиликларни бартараф этиш юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга 1128 банддан иборат қўрсатмалар берилди ва уларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилди. Шунинг учун қўрсатмаларнинг 871 банди ёки 77,2 фоизи бажарилди. Қолганлари мuddати ўтмаганлиги сабабли назорат остига олинди. Меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқарилганлиги ва экспертизадан ўтмаганлиги учун 3 та қорхонани иши тўхтатилди.

Экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг асосий омилларидан бири табиатдан фойдаланувчилардан атроф-муҳитни ифлослаштирувчи моддалар ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг унун қўллама тўловлар ундиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги қарорига амал қилган ҳолда ўтган йил давомида 287 та қорхона билан қўллама тўловлар хусусида келишиб олинди. Шунинг ҳисобига деярли 537 миллион сўм маблағ ундирилди. Ана шу қўллама тўловлар, шунингдек, табиати муҳофаза қилиш қўмитаси зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйганларга солинган жарималар 752 миллион 718 минг сўмни ташкил этди ва у маҳаллий жамғарма ҳисоби рақамига келиб тушди. Бу маблағлар аниқ мақсадлар учун сарфланмоқда. Унинг ярмидан кўпроги республика давлат бюджетига ўтказилди. Табиати муҳофаза қилиш республика жамғармасига эса 96 миллион сўм берилди. Табиати муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси ҳисобидан 60 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ вилоят ҳокимлигига ажратилди ва у табиати асраш тадбирларини амалга ошириш учун сарфланди.

Сўхбатчи
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Мирсобир МИРҲАМИДОВ ёзиб олди.

Баҳорги чақирув

БАРКАМОЛ ЙИГИТЛАР САРАЛАНМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлим чақирув-йиғин пунктларида Республика Президентининг қарорига мувофиқ йиғитларни мuddатли ҳарбий хизматга чақириш ишлари қизгин паллага кирди.

Вилоятда эса баҳорги чақирувга тайёргарлик ишлари анча илгари бошланган. Шу йилнинг апрель-май ойларида армия сафига чақирилаётган ёшларни аниқлаш мудофаа вазирининг буйруғи ва тегишли йўриқнома талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ташкил этилаётди. Шу кунгача маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ёшлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ҳарбий хизматнинг аҳамияти ҳақида юздан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан тегишли муассаса ва ташкилотлар ҳамда Қуролли Кучлар қўшинларидан келган вакиллар билан ҳамкорликда бўлажак аскарларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги синчилаб ўрганилмоқда. Йил бошидан буён жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда вилоят чақирув-йиғин пунктида тиббий комиссиялар иш олиб бориляпти.

Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари вакилларидан иборат чақирув комиссияси эса биринчи апрелдан иш бошлади.

Шуҳрат САГАТОВ,
Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси бўлим прокурори.

«Биокиммё» очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Биокиммё» ОАЖ кузатув кенгаши жамият акциядорларининг навбатдаги 2005 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишни 2006 йил 29 апрель куни соат 11.00 да ўтказилишини билдиради.

Йиғилиш бўлиб ўтадиган манзил: Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уй.
Йиғилишнинг бошланиши: соат 11.00 да.
Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш юқорида қайд этилган манзилда соат 10.00 дан бошланади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2006 йил 28 март куни ёпилган реестрга асосан тузилади.

- Йиғилиш кун тартиби:**
1. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш.
 2. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти натижасида олинган соф фойдани тақсимлаш.
 3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 4. Жамият бош раҳбари билан тузилган шартномани 1 йил мuddатга узайтириш.
 5. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.
 6. Жамиятга 2006 йил учун аудиторини тасдиқлаш.
 7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини 2006 йил якунлари бўйича бир марталик тақдирлаш.
- Умумий йиғилишга тайёргарлик қўриш билан боғлиқ бўлган масалалар ва ахборотлар ҳақида 25 кун ичида қуйидаги манзилда танишишлари мумкин.
Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уй.

«Биокиммё» ОАЖ Кузатув кенгаши.

Муҳим фактлар ҳақида МАЪЛУМОТ

«Эмитентнинг реестри ёпилиши мuddати ҳақида»

«Биокиммё» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2006 йил 28 мартда ўтказилган 6-сонли йиғилиш қарорига асосан номлари ёзилган қимматли қозғалар эгаларининг рўйхати жамият акциядорларининг 2006 йил 29 апрель куни бўладиган умумий йиғилишида иштирок этиш учун 2006 йил 28 март куни ёпилди.

Кузатув кенгаши.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шартини билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади

Танлов ўтказилиш куни: 2006 йил 18, 25 май ва 2, 13 июнь кунлари
Вақти: соат 11.00 да
Ўтказилиш жойи: Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:
Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:
А) ариза ҳужжатлар тўплами;
Б) техник ишлаб чиқариш тақлифлари ҳужжатлар тўплами;
В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк қафолат хати);
 2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси;
 3. Тақлиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш мuddатлари;
 4. Бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).
- Конвертлар, муҳрланиб (жисмоний шахслар томонидан имзоланган ҳолда) белгиланган шаклда ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига топширилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти «Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор қорхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг 2006 йил 16 мартда ўтказилган танлов натижаларига қўра Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган «Паркент ИКМК» ОАЖ 98,14 фоиз давлат активи бўйича инвесторлар билан тузилган шартномалар бекор қилинганлиги ва улар бўйича қайта танлов савдолари эълон қилинганлиги маълум қилинади.

Т/р	Қорхона ёки объект номи	Жойлашган жойи (тум. шах.)	Устав фондидаги давлат активи фойда		Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм)	Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш мuddати (йил)
			Жами	Шу жумладан давлат улуши			
1	«Паркент» ИКМК ОАЖ	Паркент тумани	98,14	98,14	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100	12 ой

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси. Телефонлар: 136-76-37, 133-08-65, 133-67-22, 132-06-76.


● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

УЧ ҲАҚИҚАТИ БИР ОЧКО

Мамлакат 15-миллий чемпионати олий табақасида иштирок этаётган жамоалар яқшанба куни навбатдаги учинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Қаршида вилоятимиз вакили «Металлург» жамоаси «Насаф»га қарши баҳс юритди. Биринчи бўлимда майдонда тенг кураш давом этган бўлса, иккинчи бўлимда майдон эгаларига омад кулиб боқди ва улар металлурғчилар дарвозасига уч тўп киритиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юбордилар. Турнинг бошқа учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Навбахор» — 0:5; «Андижон» — «Трактор» — 2:3; «Қизилқум» — «Самарқанд-Д» — 2:0; «Локомотив» — «Шўртан»

— 1:0, «Сўғдиёна» — «Тўпаланг» — 0:0, «Пахтакор» — «Нефтчи» — 3:0, «Бу-



хоро» — «Машъал» — 0:3. Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари 1-2 апрель кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида «Қизилқум» билан баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

СОВРИН СОҲИБИ МЕЗБОНЛАР

Тошкент туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Умид ниҳоллари» спорт ўйналар таркибига киритилган стол тенниси беллашувларининг худудий босқичи ташкил этилди.

Унда Қибрай, Зангиота ҳамда Тошкент туманлари терма жамоалари иштирок этишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни мезбон спортчилар эгаллашди. Кейинги ўринлар Зангиота ҳамда Қибрай тумани жамоаларига насиб этди. Яқка тартибдаги баҳс-

ларда Бахтиёр Абдувоидов, Сергей Ли, Тимур Назарғалиев, Шаҳзода Салимова, Нарғиза Юсупова яхши кўрсаткичларга эришишди. Голиб жамоа эндиликда вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларга тайёргарликни бошлаб юборди. Ҳуррият МҮМИНОВА.

Тошкент туманидаги мактаб ўқувчилари орасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШДИ

«Камолот» ёшлар ихтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада барча шартларни аъло бажарган 11-умумтаълим мактаби вакиллари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар эса 23-, 14-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Голибларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди. Ибодилла МҮМИНОВ.

Махмуд ТОИРОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

ҲУРЛИК ЙЎЛИ

(«Огоҳ бўл, дунё» достонидан)

Ҳақиқат оддийдир, ҳикмати буюк, Шошмаган шод яшар, хурмати буюк.

Ўзбекка ўргатма, кўп қилма гина, Томга ҳам чиқарлар зинама-зина.

Ҳн тўрт йил бўйладик дунё бўйига, Қут-барака кирди ўзбек уйига.

Фалласи беминнат, нефти беминнат, Юзини ёруғ қилган бу ҳалол меҳнат.

Ҳеч кимдан ҳеч нарса тилаб олмадик, Ё биров нонини тунаб олмадик.

Машаққат чекапмиз, яширмоқ нечун, Йўқни йўндирдик, деб оширмоқ нечун.

Биз ҳурлик йўлида метин сафдамыз, Ким тинчлик истаса, у тарафдамыз.

Сўзлар ичра нурли сўзлар бор, Тилга олсанг яйраб жону тан. Дилда, тилда айтаман такрор, Сенсиз яшаб бўлмайдим, Ватан!

Ҳоз учолмас овчи бор қўлда, Ўзни эҳтиёт қилар яхшилар. Алломиши ўлмаган элда, Юзи ёруғ, қуйлар бахшилар.

Момо ернинг юраги тинчлик, Момо ерга кераги тинчлик. Худойим ҳам тўйган урушдан, Худойимнинг тилаги тинчлик.

Болдек ширин тинчликнинг тоти, Элим, хурлик бахтнинг баёти. Бошинг узра соябон бўлсин, Оқ каптарнинг оппоқ қаноти.

Хуш ниятлар дилларга малҳам, Юрт тинчлиги — энг олий тилак. Кўкдан тушмас аммо, тинчлик ҳам, Тинчлик учун курашмоқ керак!

Майдон доим мардники бўлган, Қўрқоқ қақшаб панада улган. Тинчи борнинг толи кулган, Тинчлик учун курашмоқ керак!

Тўйлар тўйга улансин десанг, Бешикка бек балансин десанг, Изиндан бахт элансин десанг, Тинчлик учун курашмоқ керак!

Дема бугун ошим ёвғондир, Шўқр қилган жонинг омондир, Бир кун галва — қирқ кун ёмондир, Тинчлик учун курашмоқ керак!

Момоларнинг дуоси тилло, Боболардан дуо ол, илло, Гафлатни хуш кўрмайди Худо, Тинчлик учун курашмоқ керак!

АСРАЙ БИЛГИН

Орзуи йўқ кўнда учолмас, Курашмаган қувонч қучолмас. Тонг отмаса, кун ҳам ботмайгай, Яхшилик ҳам ерда ётмайгай.

Хурлик учун курашдингми, айт, Оринг учун талашдингми, айт?.. Баҳор ҳар йил қайтиб келади, Кўҳна қўшиқ айтиб келади.

Келмас экан ҳар ўтган кунинг, Қайтмас ҳатто, чеккан ҳар унинг. Биздан қолсин шу озод Ватан, Авлодларга энг обод Ватан.

Гул юзида шабнамлар қолсин, Қолсин, яхши одамлар қолсин. Яхши мингта бўлса ҳам камдир, Битта ёмон — мингта мотамдир.

Бекажон



Бананли десерт

Кераки масаллиқлар: 1 та банан, 50 гр сариеғ, 2 ош қошиқ шакар, озроқ хандон листа, 100 гр апельсин шарбати.

Тайёрланиши: банан артиб олинади. Товада сариеғ эритилади ва шакар қўшилади. Унга бананни бутунлигича солиб икки тарафи кизартирилади. Устидан майдаланган хандон пистабани селип, апельсин шарбати солиб яна озгина қовурилади. Десертни исталган кўринишда безатиш мумкин.

2006 йил 1 апрель куни «Авторалли — 2006» Республика чемпионати спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан вилоятнинг Қибрай, Юқоричирчиқ, Паркент ва Уртачирчиқ туманлари аҳолисида оват 10.00 дан 18.00 гача йўлларда ҳаракатланишда эҳтиёт бўлишларини, шунингдек, ёш болалар ва қорва молларини қаровсиз қолдиришларини сўраймиз. Ташкилий кўмита.

Автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фақат ихтисослашган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2006 йил 8 мартдаги 19 (11.822)-сонидан чоп этилган «Тошкент вилояти худудидида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишларини 2006 йилда очик тендерда жойлаштириш жадвали» қайта кўриб чиқилмоқда. Ушбу чоп этилган жадвал бекор қилинади. Белгиланган тадбирлар якунига етказилганидан кейин очик тендер ўтказиш бўйича тасдиқланган жадвал қайтадан чоп этилади. Тошкент вилояти комиссияси ишчи гуруҳи.

Бунди ҳаёт дейдилар

У сукут сақлаб кетиб борарди. Ён-атрофидан пайдар-пай ўтиб бораётган нотаниш чехралар орасида ахён-ахён бўлсада, танишлар ҳам борлигини ҳис этар, лекин уларнинг кўзларига тик боқибдан ожиз эди. Шу дамда кўнгли ўзига бирор яқин дилхаш, ҳамдам изларди-ю, афсуски, шунча одамлар орасида у истаган киши топилмасди. Ахир куни кеча юрса ҳам, турса ҳам атрофини қуршаган инсонлар қани? «Сиз менинг туғишганимдан ҳам афзалсиз» дея ўтказгани жой тополмайдиган меҳрибонлар қани? Номини тилга олганда озгидан бол томадиган улфатларчи? Улар қайга кетди? Хатто, уйқусида ҳам тинчлик бермайдиган сертаклаф, хуштавозе ёр-биродарлар, оқибатли, муруватли мезбонлар қани? Нега бугун зада бўлган сингари пана-панада писиб юришибди? Нима бўлди ўзи? Қаерда янглишиди? Наҳотки, куни кеча этагини тавоф қилгудек одамлар бугун ҳеч бўлмаса қўл сиқиб қўйишга ярамаса...

— Содиқжон ака, сизми-сиз? Баногоҳ келган товущдан сергак тортиди. Ҳайрият, номини тилга оладиганлар ҳам бор экан бу ёруғ дунёда? Тик қаради-ю, бирдан юраги орқага тортиб кетди. Рўпарасида унинг кўп йиллик раҳбарлиги давомида ҳеч муроао мадорга келолмаган, ҳар гапидан заҳар томадиган Жамшид деган йигит турарди. Уни шу алфозда учратаман деб сира ўйламаганди. Бирдан чамқок янгли: «Ҳолингиз шу эканку, нима қилардингиз керилиб, манманлик билан биз каби бегуноҳ хизматчиларни ранжитиб? Хўш, энди қалайсиз? Атрофингиздаги оқни қора, қорани оқ дейдиган, ҳар бир сўзингизни тўғри дея тадбирлиқ турадиган лаган-бардор мулозимларингиз қани? Ургангизиз ун оши, сўкчангизиз сўк оши, дея ялтоғланадиган, ўнгига урсангиз, буниси қолиб кет-

мадим билмай қолди. Жамшид кўча четидан турган энгил машина томон югур-гилаб кетди. Унинг орқасидан бир ҳолатда тикилиб қолган Содиқжон таниш машина ва унинг ҳайдовчисига кўзи тушди-ю, ҳайратда қолди. Бу кунни кеча ўзини олиб юрган хизмат машинаси эди.

лаб ўтирганлар ичларида нима деб вайсаган экан? Албатта, яшанг хўжайин, дейишмагандир. Ахир ким адолатсизликка чидабдики, булар чидаса? Наҳотки, шу оддий ҳақиқат ўшанда хаёлига келмади? Кўзини шира босдимми? Ёки мансаб курсисини мулқаб абадий деб ўйладимми? Хамид

ди ҳўжайин, дея чап юзини тугиб берадиган, юлдузини бенарвон урадиган тилеғлама, учкур хушомадгўйлар қани?» деса нима деб жавоб бераман, деган фикр хаёлидан ўтди. Ушанда бу йигитни бир неча бор қилдан қийқ ахтариб, ишдан бўшатиб юбормоқчи бўлди. Улдасидан чиколмади. Сабаби — Жамшид бироз қизиққон бўлса-да, тўғриси-ю, ўз ишига пухта, тажрибали ходимлардан эди. Жамоа кўз ўнгиде тўғрини ўғри деса, шундоқ ҳам дарз кетиб турган обрўйига янада пугур етишини ўйлаб, бу ишни ўзига эп кўрмади. Орадаги сукунатни Жамшиднинг ўзи бузди: — Ака, тинчмисиз, уйдагилар яхшими? Соғлиқ қалай? Иш билан бўлиб, сиздан хабар ололмадик, кечирасизда энди. Унинг бу майин, қандайлик кўнглига тасалли берувчи ширали овозида асло кесатиқ аломати йўқ эди. Содиқжон Жамшиднинг гина-қудуратдан холи, дўстона узатилган қўлини бир зум бармоқлари орасида сиқиб турди. Унинг қафти ҳароратидан танасига қандайдир илликлик югургандек бўлди. — Ака, ҳозир бироз шошиб турибман. Сизни кўриб тўхтадим. Бирров қилишиб ўтмасам инсофдан бўлмас дедим. Бошқармага чақирилган. Агар малоллик келмаса кечкурун уйингизга йўқлаб ўтмоқчиман. Гап бор. Содиқжон унга тасдиқ ишорасини қилдим, қил-

БИР ҲАМДАРДА ИСТАР КЎНГИЛ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассиси:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
133-40-48.
Эъловлар: 133-58-85,
136-53-54.

Манзилими:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридидаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва бил-
дирувлардаги факт
ҳамда далиллар-
нинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон
берувчилар масъул-
дир.